

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

**“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ**

**Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 7 сентябрь-12 сентябрь)**

№2

Тошкент – 2015

ДЕПУТАТЛАР ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ОИД ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим тизимини замон талаблари асосида ислоҳ этиш ва ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси билан ёшларни ҳар томонлама баркамол вояга етказишга йўналтирилган аниқ стратегия ҳаётга татбиқ этилди. Пировардида соҳа тубдан янгиланиб, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи мустақам ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник ҳамда кадрлар базасига эга таълим-тарбия инфратузилмаси яратилди. Бунда, хусусан, 1997 йилда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ҳамда тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар “ўзбек модели”нинг ажралмас таркибий қисми сифатида катта муваффақиятлар омили бўлди. Бу борада парламентимиз томонидан соҳага оид қонунчиликни изчил такомиллаштириб бориш, уларнинг ижро механизмларини кучайтиришга ҳамда ижроси юзасидан доимий назоратни амалга оширишга эътибор қаратиб келинаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 23 январида бўлиб ўтган парламент палаталарининг кўшма мажлисида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг таъсирини оширишга эътибор қаратиш лозимлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтган эди. Айни пайтда бу борада Қонунчилик палатаси кўмиталарида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Яъни қонунларнинг бажарилиши устидан парламент назорати самарадорлигини янада ошириш масаласига катта эътибор берилмоқда. Қуйи палатанинг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида халқ таълими муассасаларида чет тилларни ўргатиш борасидаги қонунчиликнинг ижроси юзасидан халқ таълими вазирининг ахбороти эшитилди. Йиғилишда қайд этилганидек, “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш доирасида чет тилларга ўқитишнинг комплекс тизими, яъни баркамол, интеллектуал ривожланган, замонавий фикрловчи ёш авлодни шакллантиришга, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига йўналтирилган тизим яратилди. Шу билан бирга, Президентимизнинг замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, ёшларнинг халқаро ҳамкорлик ҳамда мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратиш мақсадида қабул қилинган “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиққани билан аҳамиятлидир. Бинобарин, ўтган давр мобайнида чет тилларни ўқитиш тизими тубдан ўзгарди. Хусусан, 2013/2014 ўқув йилидан эътиборан барча умумтаълим мактабларининг 1-синфларидан бошлаб янги модель асосида чет тилларни ўқитиш бошланди. Узлуксиз таълим тизими учун чет тиллардан янги давлат таълим стандартлари, замонавий ўқув

қўлланмалари ҳамда дарслик мажмуалари яратилди. Йиғилишда айтиб ўтилганидек, бу борада сўнгги 3 йилда 5 миллиондан ортиқ нусхада дарсликлар чоп этилди. Шу билан бирга, 17 минг 222 та чет тили кабинети учун қўшимча адабиётлар, луғатлар ҳам Давлат бюджети ҳисобидан етказиб берилди. Уларни замонавий мультимедиа ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Бундан ташқари, турли электрон ахборот-таълим ресурслари, видеодарслар, видеоқўлланмалар, интерактив ўйинлар каби 50 дан ортиқ ресурслар яратилди. Кадрлар таъминоти ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш йўналишида ҳам бир қатор ишлар бажарилди. Ўтган даврда 18 минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиларининг малакаси оширилди. Мактабгача таълим муассасалари ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ҳам бу борада муайян чора-тадбирлар олиб борилаёпти, тўғараклар фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, йиғилишда тизимда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжудлиги қайд этиб ўтилди. Жумладан, таълим муассасаларида етказиб берилган жиҳозлар, ахборот-коммуникация технологияларидан янада оқилона фойдаланиш, мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлақонли ўрганиш, педагоглар иш самарадорлигини янада ошириш, дарс жараёнида ўқув қуроллари, замонавий мультимедиа маҳсулотларидан кенг фойдаланишни такомиллаштириш зарур.

«АНГРЕН — ПОП» ЭЛЕКТРЛАШТИРИЛГАН ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИ: ТРАНСПОРТ КОММУНИКАЦИЯСИ СОҲАСИДАГИ ЙИРИК ЛОЙИҲА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллик байрами арафасида “Мароқанд —Қарши” электрлаштирилган темир йўлида барча бунёдкорлик ва электрлаштириш ишлари тугатилиб, пойтахтдан Қаршигача “Afrosiyob” тезювар поезди ҳаракати йўлга қўйилган эди. Яқинда эса тизимдаги яна бир йирик лойиҳа — “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линиясининг 104 километрида қурилиш, электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилдики, бу энг улуғ ва энг азиз айём шукуҳи кезиб юрган айни дамларда навбатдаги қувончли хабар бўлди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2013 йил 18 июндаги “Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси қурилишини ташкиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида бунёд этилаётган мазкур лойиҳа юртимизда ягона миллий темир йўл тармоғини яратиш имконини беради. Умумий узунлиги 123,1 километрдан иборат бўлган ушбу йўлда 285 та сунъий иншоот ва сув ўтказиш қувурлари, умумий узунлиги 2,1 километрни ташкил этувчи 13 та кўприк, 6 та йўл ўтказгич, 2 та вокзал, 4 та станция, 4 та разъезд қуриб битказилди. Шунингдек, янги темир йўлнинг “Ангрен” станциясидан туннелнинг Фарбий порталигача, “Поп” станциясидан Шарқий порталгача бўлган масофада темир йўл қурилиши ҳамда электрлаштириш ишлари тўлиқ яқунланиб, поездлар ишчи ҳаракати ташкил этилди. — Денгиз сатҳидан 2 минг 200 метр баландликда “Қамчиқ” довони бўйлаб қурилаётган ушбу темир йўлда бунёдкорлик ишлари қизғин давом эттириляпти,

— дейди “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл лойиҳаси мутахассиси Тожиддин Аблазов. — Хусусан, лойиҳа доирасида хитойлик ҳамкорлар билан курилаётган, узунлиги 19,1 километрлик туннелнинг асосий стволини қозиш ишлари Фарбий ва Шарқий порталлар ҳамда қўшимча учта ёнбош шахталарда олиб борилаётгани боис бугунги кунгача 14 километр узунликда туннель қазилди. Бу кўрсаткич қўшимча туннельда қарийб 15 километрни ташкил этади. Қолаверса, туннелнинг 10 километрдан зиёд қисмида пардозлаш ишлари амалга оширилди. Мазкур йирик лойиҳа курилишида темир йўлчилар учун зарур шароитлар яратилиб, курилиш объектларига замонавий техникалар ва материаллар ўз вақтида етказилмоқда. Бу эса тоғли ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг белгиланган режа асосида бажарилишини таъминляпти. Эътироф этиш керакки, “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўли ва ушбу лойиҳа доирасида бунёд этилаётган туннель курилишида сифатга жуда катта эътибор қаратилмоқда. Мазкур жараёнда бажарилаётган ишларнинг халқаро амалиётда қабул қилинган меъёр ва стандартлар талабларига мувофиқлиги Германиянинг “DB International GmbH” компанияси мутахассислари томонидан назорат қилиб бориляпти. — Лойиҳа жуда сифатли даражада амалга оширилмоқда, — дейди компания бош маслаҳатчиси Якоб Шонс. — Тоғли ҳудудда бўлишига қарамасдан, курилиш ишлари жадал суръатда олиб бориляпти. Шу маънода, ўзбекистонлик темир йўлчиларнинг хизмати юксак баҳога лойиқдир. Буни ҳозиргача туннелнинг иккала томонида амалга оширилган ишлар мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Негаки, улар пўлат изларни ётқизиш, электрлаштириш, умуман, барча юмушларни сифатли бажариб, қисқа муддатда амалга оширишди. “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси курилиши лойиҳаси мураккаблиги жиҳатидан дунё миқёсида биринчи саккизталикдан, туннель узунлиги бўйича ўн учталикдан жой олган. Албатта, бу мўъжизавий, улкан курилиш келгусида Марказий Осиё ва Европа минтақасидаги мамлакатлар билан темир йўл орқали ҳамкорлик ўрнатишда муҳим ўрин тутди. Энг асосийси, юкларни ташиш арзонлашади, уларни етказиб бериш муддати эса икки баробар қисқаради.

КЕЛАЖАГИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Юртимиз таълим муассасаларида Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китоби кенг ўрганилмоқда. Мамлакатимизнинг мустақиллик давридаги тарихи, тараққиёти, бугунги ютуқлари, истиқбол режалари, ҳаётимизнинг турли соҳаларидаги сифат ўзгаришлари, халқимизнинг моддий-маънавий қудрати, унинг бунёдкорлик даҳоси, аждодлар ва келгуси авлодлар олдидаги муқаддас бурч ҳамда масъулият каби долзарб мавзулар ўрин олган мазкур асар юртдошларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Хусусан, шу кунларда олий ўқув юртлари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ҳамда умумтаълим мактабларида бўлиб ўтаётган Мустақиллик дарсларида Президентимиз китобида илгари сурилган ғоя ва фикрларнинг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти

ҳақида сўз юритилаяпти. Бинобарин, ушбу машғулотлар ўғил-қизларимиз қалбида ватанпарварлик, миллий анъана ҳамда қадриятларимизга ҳурмат ҳиссини янада кучайтиришда муҳим ўрин тутаётир. Мухбирларимиз айрим юртдошларимизнинг Мустақиллик дарслари хусусидаги таассуротлари билан қизикди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҚИЗГИН МУҲОКАМА

ЭТИЛМОҚДА

Бугунги кунда мамлакат аҳолиси соғлиғини муҳофаза қилиш, одамларни сифатли гўшт ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш энг муҳим ва долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, аynи пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида депутатлар янги таҳрирдаги “Ветеринария тўғрисида”ги қонун лойиҳасини янада такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратишмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари кўмитасининг кенгайтирилган мажлисида мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қизгин муҳокама қилинди. Унда парламент қўйи палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари аъзолари, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди. Йиғилишда ўтган даврда кўмита ҳузуридаги экспертлар, ветеринария соҳасининг етакчи мутахассислари ва олимлари, амалиётчилар ҳамда жамоат ташкилотларининг вакилларида иборат ишчи гуруҳи ушбу қонун лойиҳаси устида фаол иш олиб боргани, пировардида турлича фикрлар ва қарашлар, таклиф ҳамда тавсиялар, баҳс ва мунозаралар асосида лойиҳа маромига етказилгани қайд этилди. Бу галги муҳокама ҳам Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари аъзолари томонидан сайловолди дастур ҳамда электорат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиққан ҳолда қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. — Биз қонун лойиҳасида хусусий ветеринария фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кенгрок ҳимоя қилиш мақсадида қатор таклифларни илгари сурдик ва уларнинг лойиҳага киритилишига ҳаракат қилдик, — деди ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси И. Зокиров. — Масалан, хусусий ветеринариянинг ролини кучайтириш, ҳақиқий рақобат муҳитини қарор топтириш мақсадида уларнинг мутахассисларига давлат ветеринария хизмати мутахассислари эга бўлган ҳуқуқлар берилиши таклиф этилди. Бу Президентимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ташаббуслари, мазкур йўналишда қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларига мос келади. — Ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштиришда партиямиз сайловолди дастуридаги асосий йўналишлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда озиқ-овқат сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратдик, — деди “Миллий тикланиш” ДП фракцияси аъзоси Ж. Абдижамиллов. — Хусусан, таклифларимиз асосида қонун лойиҳасида ҳайвонларни юқумли касалликлар пайдо бўлганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг чеклов тадбирларини (карантин) ўрнатишдаги ваколатлари янада аниқлаштирилмоқда. — Биз қонун лойиҳасини такомиллаштиришда аҳоли саломатлигини таъминлашга оид талабларни

кучайтириш, шунингдек, эпизоотик вазиятларда аҳолига ёрдам бериш, ҳайвонлар ва улардан олинадиган маҳсулотларнинг сифатини назорат қилишга асосий эътиборни қаратдик, — деди ЎзХДП фракцияси аъзоси З. Акрамова.

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ВА МАСЪУЛИЯТ

Юртимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, айниқса, ногиронларга кенг имконият ва шароитлар яратиш бериш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Алоҳида эҳтиёжли фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини муҳофаза этишда “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун муҳим ҳуқуқий асос бўлаётир. Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан видеоконференция тарзида ташкил қилинган йиғилиш айна мавзуга бағишланди. Унда юқорида келтирилган Қонун ижроси юзасидан Сирдарё вилоятида назорат-таҳлил тартибида ўтказилган ўрганиш натижалари атрофлича муҳокама этилди. Ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, Сирдарё вилоятида ногиронларни аниқ, манзилли қўллаб-қувватлаш, ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълимини, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ҳамда олий таълим олишини таъминлаш, мазкур соҳада давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотажорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш каби қатор йўналишларда тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг биринчи ярмида вилоятда 3 минг нафарга яқин алоҳида эҳтиёжли бола соғломлаштирилди. Имконияти чекланган фуқароларга реабилитация воситалари ҳамда протез-ортопедия маҳсулотлари етказиб бериш, улар ўртасида бандликни таъминлаш, айниқса, алоҳида эҳтиёжли 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар ўрганишга йўналтириш, ташкилот, корхона ва муассасаларда улар учун иш ўринлари ташкил қилиш чора-тадбирлари ҳам изчиллик касб этмоқда. “Кексаларни эъзозлаш йили” Давлат дастури доирасида эҳтиёжманд инсонларга ҳар томонлама кўмаклашиш, ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмай, ўз турмушидан мамнун бўлиб яшашини кафолатлашдек эзгу саъй-ҳаракатлар устувор вазифа этиб белгиланди. Йиғилишда истиқболдаги вазифалар ҳақида ҳам батафсил сўз юритилиб, ўз ечимини кутаётган долзарб масалалар бўйича мутасаддиларнинг масъулиятини янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталарида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2015 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси яқунлари кўриб чиқилди. Чунончи, Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида мазкур масала юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи тингланди. Унда парламент қўйи палатаси депутатлари, вазирлик ҳамда идоралар раҳбарлари, мутахассислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди. Таъкидланганидек, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 16 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижроси 2015 йилнинг биринчи ярим йиллигида иқтисодиётимизнинг тармоқ ва соҳаларида барқарор ривожланишни, иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди. Натижада ярим йиллик яқунларига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръати 8,1 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,1, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш 6,5, капитал қурилиш 18, чакана савдо айланмаси 14,8, хизматлар ҳажми 13,1 фоиз ўсишига эришилди. Йиғилишда юртимизда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ҳамда рақобатбардошлигини ошириш, ташқи бозорда харидоргир маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги қувватларни ташкил этишни рағбатлантириш, ҳудудларнинг саноат салоҳиятини мустаҳкамлаш, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантиришга қаратилган фаол инвестицион сиёсат олиб борилаётганига алоҳида эътибор берилди. Муҳокамалар чоғида жаҳон бозорида сақланиб қолаётган беқарорлик шароитида рақобатбардош маҳсулотлар ҳажмини ҳамда номенклатурасини ошириш юзасидан қабул қилинган чора-тадбирлар товар ва хизматлар экспортининг ўсишига олиб келгани қайд этилди. Аввал ўз маҳсулотларини ички бозорга етказиб берган 490 дан зиёд корхоналар экспорт фаолиятига жалб қилиниб, ташқи бозорга янги турдаги 168 маҳсулот чиқарилишига эришилди. Натижада экспорт ҳажмининг 7,4 фоиз ўсиши ва ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси таъминланди. Шунингдек, ҳисобот даврида хусусий мулк ҳамда тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳани ривожлантириш йўлида тадбиркорларга тўлиқ эркинлик бериш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида уларнинг саноатдаги улуши 31,4, чакана савдо айланмасида 86,3, пуллик хизматларда 47,6 ҳамда бандликда 77,2 фоизга етди. Буларнинг барчаси янги иш ўринларини яратишга ижобий таъсир кўрсатди, яъни аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қабул қилинган дастур асосида 441,8 мингта иш ўрни очилди. Иқтисодиётдаги ижобий ўзгаришлар солиқ сиёсати такомиллашувига, аҳолининг реал даромадларига таъсир кўрсатмаган ҳолда Давлат бюджетига солиқ тушумлари кўпайишига хизмат қилди. Жумладан, ҳисобот даврида бевосита солиқлар бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 16,7 фоиз, билвосита солиқлардан тушумлар 16,8 фоиз ортиши таъминланди. Ҳисобот даврида ижтимоий соҳа харажатларига Давлат бюджетининг 59,2 фоизи йўналтирилгани алоҳида таъкидланди. Мазкур

харажатлар ЯИМга нисбатан 13,9 фоизни ташкил этди. Бунда ижтимоий соҳа харажатларининг асосий қисми — 57,8 фоизи таълим тизимига йўналтирилганлигини айтиш жоиз. Ушбу масала парламент куйи палатасининг барча кўмиталарида кўриб чиқилди. Депутатлар муҳокамалар чоғида амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтишди. Шундан келиб чиқиб, улар мутасадди вазирлик, идоралар ва маҳаллий ҳокимликларнинг давлат томонидан ажратилган бюджет маблағларининг мақсадли ҳамда самарали сарфланиши бўйича масъулиятларини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси билан белгилаб берилган тартиб ва қоидалар ҳамда соҳага оид қонунлар ижроси устидан назоратни кучайтириш, ҳудудларда иқтисодий муҳитни бозор талаблари даражасида ташкил қилиш, инвестиция фаолиятини янада фаоллаштириш бўйича амалий таклифларини билдиришди. Тадбирларда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

Мамлакатимиз аҳолиси Мустақиллик байрамини кўтаринки кайфиятда нишонлади. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикнинг қадрни ниҳоятда катта эканлиги одамларнинг мамнун қиёфасида яна бир қарра ўз исботини топди. Бинобарин, Президентимиз таъкидлаганидек, Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир. Дарҳақиқат, тарихан қисқа даврда амалга оширилган оламшумул ишлар натижасида Ўзбекистон ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин олмоқда. Бу эса, ўз навбатида, халқимиз, одамларимизнинг дунёқарashi, онгу тафаккури, ҳуқуқий маданияти, сиёсий фаоллиги, фуқаролик масъулияти ва бурчи юксалиб бораётганидан далолат беради. Чунончи, жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган инқирозга қарамасдан, мамлакатимиз бугун дунёда жадал ривожланаётган давлатлар орасида бешинчи ўринни эгаллагани ва кейинги ўн йилликда иқтисодиётимизнинг юксалиш суръати 8 фоиздан кам бўлмай, истиқлол йилларида 5,5 қаррадан зиёд ўсгани, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 9 марта кўпайгани барчанинг ҳавасу хайратини уйғотмоқда. Албатта, бу муваффақиятлар мамлакатимизда Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган, чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт дастури асосида “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун” деган тамойилнинг изчил рўёбга чиқарилаётгани натижаси, десак, асло муболаға бўлмайди. Айниқса, истиқлолнинг илк кунлариданоқ ёш авлодни мустақил фикрлайдиган, ҳаётга янгича қарайдиган, буюк ишларга қодир куч сифатида тарбиялашга қаратилган мутлақо янги тизим яратилгани ва бу бугун

Ўзининг кутилган натижаларини бераётгани эътиборга моликдир. Сир эмаски, XXI аср тез суръатлар билан жадал ривожланиб бормоқда. Глобаллашув жараёнлари, жаҳон бозорида рақобат кураши кучайиб, бешафқатлиги тобора ортаётгани, кескинлик ҳамда турли хавф-хатарлар, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга уринишнинг, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидларнинг кучайиб бораётгани бугунги кунда ҳар қандай давлат, ҳар қайси халқ олдига ўта муҳим ва долзарб талабларни қўймоқда. Бундай ўта таҳликали вазиятда мамлакатимизнинг Президентимиз раҳнамолигида олиб бораётган ташқи сиёсати халқаро қонун ва нормаларда муҳрлаб қўйилган асосий принципларга риоя этиш, юзага келадиган қарама-қаршилиқ ва низоларни зўравонлик билан эмас, фақатгина тинч ҳамда сиёсий йўл билан ҳал қилишни, ҳозирги вақтда дунёнинг турли ҳудудларида давом этаётган уруш ва қон тўкиш ҳолатларини сўзсиз тўхтатишни назарда тутди. Шунингдек, узоқ ва яқин кўшниларимиз билан тил топишиб, улар билан ўзаро ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшашни мақсад қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХИТОЙГА ТАШРИФИ ЯКУНЛАРИ ИККИ ТОМОНЛАМА АЛОҚАЛАР ТАРИХИДА ЯНГИ САҲИФАНИ ОЧАДИ»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг жорий йил 2-3 сентябрь кунлари Хитой Халқ Республикасига буюрган ташрифи ХХР экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди. Шанхайда хитойлик айрим экспертлар ушбу воқеанинг Ўзбекистон — Хитой муносабатлари кенгайишидаги аҳамияти юзасидан “Жаҳон” ахборот агентлигига ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Юй СИНХУЙ, Шанхай Ижтимоий фанлар академияси партия қўмитаси котиби: — Стратегик шерик давлатлар бўлган Хитой ва Ўзбекистон турли соҳаларда самарали ҳамкорлик қилмоқда. Биз Ўзбекистоннинг Хитой Халқ Республикасининг қатор ташаббусларини қўллаб-қувватлаганини қадрлаймиз. Пекин, ўз навбатида, расмий Тошкентнинг тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга оид ташаббусларини маъқуллайди. Шу боис мамлакатингиз Президентининг ташрифи яқунлари икки томонлама алоқалар тарихида янги саҳифа очишига ҳамда сиёсий, иқтисодий ва сармоявий соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз. Хитойда Ўзбекистоннинг суверен ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган муваффақиятлари, жумладан, бозор иқтисодиёти асосларини барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари диққат билан кузатиб борилади. Шунингдек, республикангиз халқаро майдонда тинчликсевар ташқи сиёсат олиб бормоқда. Ўзбек халқи Ислон Каримов раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни қўллаб-қувватлайди. Жорий йил март ойида бўлиб ўтган Президент сайловининг натижалари буни яққол тасдиқлаб турибди. Умуман олганда, Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда юз йилликларга тенг бўлган

йўлни босиб ўтди. У бугунги кунда замонавий, изчил ривожланиб бораётган давлат ҳисобланади. Академиямиз делегацияларининг мамлакатингизга сафарлари чоғида биз бунга амин бўлдик. **Яо СИМИН, Шанхай университети ҳузуридаги Ўзбекистон тадқиқотлари ва маърифий алмашувлар маркази директори:** — ХХР раиси бир неча маротаба таъкидлаганидек, жумладан, март ойида Ислом Каримов мамлакат Президенти этиб сайлангани муносабати билан йўлланган кутловномада ҳам қайд этганидек, Хитой ташқи сиёсатининг стратегиясида Ўзбекистон муҳим ўринни эгаллайди. Юқори ва олий даражадаги ташрифлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Бу томонлар ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг ўсувчанлигидан, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик кўпгина ўта муҳим масалалар юзасидан нуқтаи назарларнинг муштараклигидан, савдо-иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича бирдек манфаатдорликнинг мавжуд эканлигидан далолат беради. 2013 йили олий ўқув юртимизда Ўзбекистон тадқиқотлари ва маърифий алмашувлар марказининг очилгани икки томонлама ҳамкорлик ривожига муҳим ҳисса қўшди. Бундан ташқари, биз юртингиз институт ҳамда университетлари билан ҳам ўзаро алоқаларни йўлга қўйдик. Олий ўқув юртимиз ҳудудида буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳайкалини ўрнатиш масаласини ҳал этиш ниҳоясига етмоқда. **Ян БО, Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети ҳузуридаги Марказий Осиё тадқиқотлари маркази директори ўринбосари:** — Ўзбекистон Марказий Осиёдаги вазиятга ўта жиддий таъсир кўрсатади. Бу мамлакат Хитойнинг минтақадаги муҳим шериги ҳисобланади. Томонлар бир-бирининг манфаатларини илгари суриш учун халқаро майдонда сиёсий жихатдан бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлашяпти. Иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўлами кенгаймоқда, Хитойнинг кўпгина компаниялари Ўзбекистон бозорига тобора фаол кириб бораётгани ҳолда, истикболли лойиҳаларни ҳам ҳаётга татбиқ этмоқда. Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мазкур ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ишончга асосланган дўстона муносабатларни янада чуқурлаштиришга кўмаклашади. **Цзян ФЭН, Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети партия қўмитаси котиби:** — Яқинда республикангиз мустақиллигининг 24 йиллиги кенг нишонланди. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини ушбу кутлуғ сана билан чин дилдан табриклайман. Шуни таъкидлаш жоизки, ўтган йиллар давомида Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги оқилона стратегия туфайли Ўзбекистон дунёнинг изчил ривожланиб бораётган давлатлари сафидан жой олди. Ўз тараққиёт моделига таянган ҳолда, республика ички сиёсий барқарорликни, иқтисодий ўсиш ва ижтимоий фаровонликни таъминламоқда. Бу муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Хитой — Ўзбекистон дўстлиги барқарор мустаҳкамланиб бораётгани бизни қувонтиради. Ҳозирги пайтда бизнинг муносабатларимиз изчил ривожланиб бораётгани билан изоҳланади. Шанхай Халқаро тадқиқотлар университети бундан кейин ҳам мамлакатларимиз ўртасида таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликнинг чуқурлашишига ўз ҳиссасини қўшишга тайёрдир.

МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРЛИК ВА ИСТИҚБОЛ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан Хитой Давлат тараққиёт банки билан биргаликда иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда молиявий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган семинар ташкил этилди. Маълумки, Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган бўлиб, ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик иқтисодиётнинг барча йўналишида изчил ривожланмоқда. Хусусан, молиявий соҳадаги алоқалар кўлами тобора кенгайиб, кўплаб йирик инвестициявий лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаяпти. “Ўрта Осиё — Хитой” газ қувури, “Ангрен — Поп” электрлаштирилган темир йўл линияси, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Жиззах” ва “Ангрен” махсус индустриал зоналарида йўлга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари бунга яққол мисол бўла олади. Таъкидлаш керакки, молиявий соҳадаги ҳамкорлик, айниқса, Хитой Давлат тараққиёт банки кўмагида жадал ривожланмоқда. Сабаби, ушбу молия муассасаси энергетика, транспорт, телекоммуникация, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа йўналишлардаги турли лойиҳаларни рўёбга чиқаришда фаол иштирок этиб келаяпти. Бунда 2006 йилда “Ўзмиллийбанк” ва Хитой Давлат тараққиёт банки ўртасида иқтисодий ҳамкорлик йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Гап шундаки, мазкур молия институтининг бешта кредит линияси Миллий банк орқали ўзлаштирилаяпти. Жалб этилаётган инвестициялар ҳажми эса йил сайин ортиб бораётгани эътиборга молик. Айтайлик, дастлабки кредит линияси доирасида 20 миллион АҚШ доллари ўзлаштирилган бўлса, ушбу кўрсаткич иккинчи лойиҳада 60 миллион долларни, учинчисида 75 миллион долларни, тўртинчисида 100 миллион долларни ташкил этди. Томонлар ўртасида шу йилнинг январь ойида имзоланган битимга кўра, иқтисодиётимиз тармоқларига 150 миллион доллар миқдорида кредитлар ажратилмоқда. Унинг асосий қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш, кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун йўналтирилаяпти. — Бугунги тадбир давлатларимиз ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқувчи лойиҳаларни муҳокама қилишимизда айтиш мумкин бўлди, — дейди Хитой Давлат тараққиёт банкнинг мамлакатимиздаги ишчи гуруҳи раҳбари Фэн Чжэ. — Чунки унинг доирасида юртингиздаги етакчи молия муассасаларидан бири бўлган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкнинг фаолияти, унинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни билан яқиндан танишдик. Айтиш мумкинки, банкимизнинг янги маҳсулотлари тақдимотларини ўтказдик. Масалан, эндиликда кичик бизнес субъектлари бизнинг лизинг хизматларимиздан ҳам фойдаланишлари мумкин. Семинарда “Ўзмиллийбанк” томонидан кичик бизнес ва қишлоқ хўжалиги соҳаси учун тақдим этилаётган хорижий кредит линиялари, уларнинг афзал жиҳатлари,

фоиз ставкалари ва бошқа долзарб масалалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ИННОВАЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИНГ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА СОҒЛОМ РАҚОБАТ МУҲИТИ САМАРАСИДА ЯҚҚОЛ НАМОЁН БЎЛМОҚДА

Бугунги кунда мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарида замонавий технологияларни изчил татбиқ этиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, Президентимиз ташаббуси билан 2008 йилда ташкил этилган “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида ўтган давр мобайнида 20 га яқин корхона фаолияти йўлга қўйилди. Айни пайтда мингдан зиёд киши меҳнат қилаётган ушбу субъектларда илғор ускуналар ёрдамида маиший техникалар, мобил телефонлари, юқори кучланишга чидамли кабель маҳсулотлари, сув иситиш қозонлари, дори воситалари сингари ўнлаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. — Янги саноат корхоналарининг аксарияти Жанубий Корея, Хитой, АҚШ, Германия, Италия, Ҳиндистон, Сингапур, Бирлашган Араб Амирликлари сингари давлатлар сармояси иштирокида ташкил этилган, — дейди Навоий вилояти ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Ўктам Исломов. — Улар ҳудудимиз иқтисодиётини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Мисол учун, “UzEraeCable” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида 100 нафарга яқин йигит-қизлар томонидан тайёрланаётган 39 турдаги автомобиль кабеллари халқаро стандартлар талабларига тўлиқ жавоб беради. Бу маҳсулотларга талаб тобора ортаётгани туфайли жорий йилнинг ўтган даврида 57 минг 913 километр узунликда маҳсулот ишлаб чиқарилди. Дарвоқе, бу ерда ўтган йили Жанубий Корейадан 272 минг АҚШ доллари эвазига келтирилган технология асосида “Cobalt” русумли автомашиналар учун аккумулятор жгутлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилган. Қўшма корхонада мавжуд асбоб-ускуналарнинг барчаси махсус дастурлаштирилган компьютер ёрдамида бошқарилади. Бу эса деталларни ишлаб чиқариш ва уларга ишлов беришда юқори аниқликка эришиш баробарида, унинг сифатини янада яхшилаш имконини яратаяпти. — Замонавий технология нафақат маҳсулот сифатини ошириш, балки ривожланиш гарови ҳамдир, — дейди қўшма корхона бош директори Шерзод Умаров. — Айни шу омил туфайли, масалан, биз дастлаб Осиё минтақасидаги давлатлар ишбилармонлари билан иқтисодий алоқа ўрнатган бўлсак, эндиликда улар сафига Италия, Польша, Германия, ҳатто бразилиялик ҳамкорлар ҳам қўшилди. Иқтисодиётда соғлом рақобат муҳити тобора шаклланаётган бугунги даврда ишлаб чиқаришга инновацион лойиҳаларни қўллаган ишбилармон ютқазмайди. Шу маънода, биз келгусида электродвигатель, стартёр ва генераторларда ишлатиладиган

эмалланган симларни ва бошқа халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни ҳам режалаштираяпман.

Ахборот соати раҳбари

Тугалов А